

Умр дафтари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган ҳуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, миллий санъатимизни ривожлантириш, таълим тарбия жараёни мазмунига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдириш, ёшларни миллий кадриятлар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда. Эркин фуқаролик жамиятни таркиб топтириш энг аввало мазкур жамиятда яшаётган кишиларнинг маънавий–ахлоқий жиҳатдан етуклиги ва юксак даражадаги ақлий салоҳиятига боғлиқ. Зеро, “таълим тўғрисида”ги қонун, “кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига кўра мамлакатимизда ёшларга эстетик таълим тарбия беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз И. А. Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” номли китобида ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларни маънавий баркамол шахс сифатида камол топтириш. Миллий овоз ва оҳанг ҳақида фикр юритиб, шундай деган эди: “Инсоннинг қулоғи енгил елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора–бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир–оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларининг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади” дейилган. Ҳақиқатан ҳам кўп асрлик тарихга эга ўзбек мумтоз хонандалик санъати кишилик жамиятининг умумбашарий кадриятлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Ёқимли сифатлар билан йўғрилган инсон овози кенг тингловчилар оммасига кучли ҳиссий таъсир кўрсатибгина қолмай, унда гўзал туйғуларни уйғотиш қудратига эгадир.

Ёшларимиз ушбу меросдан баҳраманд бўлиш билан биргаликда, хонандалар ҳаёти ва ижодини ўзларига намуна бўладиган кўникма сифатида қабул қилишлари зарурдир.

Ана шундай устозлардан бири Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаровдир. Бу инсонни исмларини эшитишимизданок, кўз олдимизда билимдон устоз, хуш овоз хонанда, юмшоқ кўнгил, табассум билан гап бошловчи инсон, ҳазилкаш дўст ва серқирра ижодкор гавдаланади. Устоз билан 1999 йили Юнус Ражабий номидаги V–мақом кўрик танловида танишганман. Ундан илгари устоз ҳақида кўп эшитганман. Ҳатто менинг бувам (онамнинг отаси) Қувондиқ Искандаровни ҳурмат ила тилга олар ва унинг ихлосманди эди. Қувондиқ ака қайси базм ёки тўйда бўлмасин ўша кун халқ учун байрамга айланар эди. Дарҳақиқат, шундай хонандалар борки улар ўз файзу–тароватлари билан атрофни байрамга айлантириб юбориш хусусиятига эга. Бундан ташқари у Суворийхонлик санъатининг етакчи ижрочиси, мақом борасида билимдон устоз Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳожихон Болтаевнинг шогирди эканлиги, тенгдош ҳамкасби Ўзбекистон

халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов билан бўлган дийралишмаларда тенг айтиша оладиган ягона хонанда эканлигини кўп бора гувоҳи бўлганмиз.

Қ. Искандаров Ўзбекистон Давлат консерваториясида барча анъанавий хонандаларга ансамбл дарсидан сабоқ берардилар. Бу дарслар шу даражада кизиқарли ўтар эдики ҳатто созандалар ҳам кириб ўтиришга изн сўраб, эшитиб ўрганишар эди. Ҳар бир кирган созандаларни ҳам созларини олиб чалдиришга ҳаракат қилар эди.

Айтишларича, Хоразм суворийларини ижро қилиш учун ўша ерда туғилиб, шу муҳит ҳавосидан нафас олиб, Амударё сувидан кўп йиллар давомида ичиш керак экан. Бу нуқтаи назарга қўшилмасдан иложимиз йўқ албатта. Лекин Хоразм Суворийларини Ўзбекистоннинг бошқа воҳа хонандалари ҳам ўзига хос ижро этишади. Бу ижроларни ҳам хато санаб бўлмайди. Устоз Қ. Искандаров эса ўз ўқувчиларига айнан Хоразм шеvasида ва овозларни ҳам шу асарга мослаб ижро этишни ўргатар эди. Асар дардини овозида ўхшатиб садоантира олмаётган талабаларга “сен ашулани бировга ялингандек, илтижо қилгандек ижро қилсанг овозинг руҳияти ҳам шунга мослашади” дер эди.

Бундан ташқари Қ. Искандаров Ўзбекистон радиоси олтин хазинасига ёзиладиган асарларни эшитиб баҳолайдиган бадиий кенгаш ҳайъат аъзоси бўлиб, у ерда жонли ижрода ёки магнит тасмаларидаги асарларни оқилона баҳолашга уриниши натижасида баъзида ўша ҳайъат аъзоларининг бошқа вакиллари билан тортишувлардан чарчаб охири хафа бўлиб кетар эди.

Тўй ҳашамларда доимо халқнинг ардоғида бўлиб, ҳамиша энг яхши кўрган ашулаларидан ижро қилиб, ўша давранинг гулига айланар эдилар.

Бизнинг назаримизда Қ. Искандаров ҳар бир хонанданинг иқтидорига ва нималарга қодирлигига аниқ баҳо бера олиш ҳусусиятига эга эди. Чунки ундан барча хонандалар ҳақида таъриф беришни сўрасак, дарҳол жавоб бермасдан ўйлаб, ўша ижрочининг ашулаларидан озгина хиргойи қилиб кейин таърифни бошлар эди. Маълум бўлишича уларга аёл хонандалардан айниқса Зайнаб Полвонованинг ижроси жуда хуш ёқар экан. Ҳатто унинг ижросини Барно Исҳоқовадан ҳам устун қўяр эди. Бу борада устоз бир ҳикоя айтган эди, “Мен 1970 йилларда Қўқонга сафарга борган эдим, бир тўйга кирдим у ерда хизматда Барно Исҳоқова ва Зайнаб Полвоновалар бор эди. Улар шу даража бир биридан зўр ашула айтишарди–ки, ҳатто бошқа хонандалар фақат четда туриб бу ноёб томошани кўришарди. Уларнинг иккаласи ҳам жуда зўр, лекин билиниб турибди, Зайнаб Полвонованинг овози чарчаганми ёки шамоллаганми унча тобида эмасдай кўринди. Аммо шунга қарамай Барнодек етук хонанда билан айтишиб менинг назаримда у ютди, ғолиб бўлди. Шундан бери мен шу ашулачи аёлнинг мухлисман. Бундан ташқари олдинлари радиога овоз ёзиш ёки телевиденияга овоз ёзиб фонограмма ижро этиш каби қулайликлар йўқ эди. У пайтлари ҳар бир хонанда радиога келиб, ўз концертини жонли тарзда ижро қиларди. Бир куни мени ҳам радиога концертга таклиф этишди, ярим соат давомида ўзимни яхши кўрган асарларимни ижро қилдим. Мендан кейинги ярим соат Зайнаб Полвонованинг концерти экан. Буни билгач мен шу ерда озгина қолиб,

эшитдим. Билишимча, З.Полвонова студияга келаётиб, устоз Юнус Ражабийнинг бир хонандага “Не наво соз айлагай” асарини ўргатаётгани эшитиб ўша жараёни ўзида бу ашулани ёдлаб олиб шу заҳоти студияда жонли ижро қилди ва ёздириб қолдирди. Бундан барча ҳайратда қолади. Ҳатто академик Юнус Ражабий ҳам бу аёл хонанданинг қобилиятига тан берди.”

Эркак хонандалардан уларга энг маъқули Хожихон Болтаевдан кейин уларнинг укалари Нурмухаммад Болтаев, Мадрахим Ёқубов (Шерозий) Бобораҳим Мирзаев, Жўрахон Султонов, Фаттоҳхон Мамадалиевларнинг санъатини жуда ҳурмат қилган.

Мен 2003 йили Ўзбекистон Давлат консерваториясининг магистр босқичини тугатиш арафасида курс ишим мавзуси “Қувондиқ Искандаров ҳаёти ва ижоди” ҳақида бўлиб, шу муносабат билан улардан ҳаёти ва ижодига тааллуқли кўплаб маълумотларни магнит тасмаларига ёзиб олишга эришдим.

Қ. Искандаровнинг овоз имкониятларига келадиган бўлсак ўзига хос, агар Европа ўлчовларида ҳисобласак драматик тенор бўлган. Овозининг пастки регистри тўлиқлиги, ўрта ва юқори регистрлари жарангдорлиги ашула пайтида эшитувчини ўзига жалб этиш хусусиятига эга эди. Унинг нола ва қочиримлари ўзигагина хос бўлиб, қанча кўп эшитилса ҳам меъдага тегмайди. Бу борада устознинг такрорланмас ўз услуби бор эди.

Устознинг ижро этган асарларига кўз ташласак, ижро дастурлари жуда серқирра бўлиб, “бу менинг услубимга тўғри келмайди ёки менинг овозимга бу асар яхши тушмайди” демас эди. Барча асарларни ўз овозига мослаб ижро этаверарди. Бу унинг хонандалик йўлидаги усталигидан далолат беради.

Умрининг охириги йилларида Қ.Искандаров Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежида ҳам дарс берган эди. Бу ердаги ўқувчилар билан болаларча муносабатда бўлиб, дарслари ҳам жуда қизиқарли ва сермахсул бўлганининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз.

Қувондиқ Искандаров 1930 йили 10 сентябрда ишчи оиласида, Ҳазорасп райони, Сталин колхозида туғилган. Ёш хонанда оиласининг тўнғич фарзанди бўлганлиги учун эрта меҳнат қилишга, оиласига ёрдам беришга ҳаракат қилди, ўзингизга маълумки ўша даврларда ҳаёт, яшаш шароити жуда оғир кечган. Улар оиласида 11 фарзанд бўлган.

Қувондиқ ёш бўлишига қарамай ашула айтишга, соз чалишга жуда иштиёқи баланд бўлганлиги сабабли ўзининг айтишича: «Мен тахминан 10-12 ёшларимда отамга йиғлаб, уйдаги сигирни соттириб патифон олдирганман. Ундаги пластинкада биринчи эшитганим Бобораҳим Мирзаевнинг «Тановор» (Энди сендек жоно) ва «Эй пари» (Ўзинга) ашулалари бўлиб, уларни тезда ёдлаб Фарғона–Тошкент йўлларига меҳрим ана ўшанда тушган» деган эдилар.

Кейинчалик эса Қувондиқни Хоарасп туманидаги энг кўзга кўринган устоз Озод Жабборовга шогирд сифатида топширишган. Устоз ёш хонандани ашулаларни берилиб айтишини кўриб шогирд сифатида жуда яхши кўриб қолади ва ўзини ёнида олиб юради.

Озод Жабборовнинг кўлида у кўп ашулалар ўрганди. Шу даврларда Ўзбекистоннинг энг ёрқин ҳофизлари Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлар билан учрашди, улардан кўп сабоқлар олди.



Устоз Қувондиқ Искандаров: «Мени буюк устозларимдан яна бири Комилжон Отаниёзов, уларни ҳаёт ижодидан бир озгина эсламасак бўлмайди» дегандилар ва тўлиб–тошиб бажонидил гапириб бердилар.

Комилжон Отаниёзов 1917–1975 йилларда яшаб ижод этган, ўз даврининг машҳур хонандаси, созандаси, бастакор ва санъат арбоби эдилар. Аввало Хоразм достон йўллари, кейинчалик эса мумтоз ашулалар ижрочиси ва ижодкори сифатида шуҳрат қозонди.

Комилжон Отаниёзовнинг жўшқин ижодий фаолияти кўпроқ замонавий услубларга қаратилган бўлсада, у Хоразм мақомларининг асл намуналари четда қолиб кетмаслиги учун катта жонбозлик кўрсатди. 40–50 йилларда ҳаёт бўлган Матпано Худойберганов, Маткарим Ҳофиз, Шерозий Матёқуб Отажонов каби кекса устозларни моддий ва маънавий қўллаб–қувварлашга ҳаракат қилди.

Устоз Қувондиқ Искандаровнинг ҳикоя қилишича у 1944–йилда ёш авлод созандалари Матпано Худойбергановдан мақом йўлларини ўрганиш учун шарт–шароит яратиб берган. Уруш йилларининг танқислик шароитида айнан Комилжон Отаниёзов бутун ансамбл қатнашчиларини мунтазам равишда озиқ–овқат билан таъминлаб турган. 1949 йилда бевосита Матпано ота назоратида Хоразм мақомларини санъатшунослик институтида магнит тасмасига ёзиб олинишида катта жонбозлик кўрсатган.

Қувондиқ Искандаров 1949–52 йиллари ҳарбий хизматни ўтагач доирачиси ва ҳамнафаси Ражабқори билан бирга юриб, устозлари кўмагида халқ орасига чиқиб нафақат Хозарасп тумани балки бутун Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб халқ хизматида бўлган ва концертлар беришган.

“Мен Ражабқоридан жуда миннатдорман, чунки у мен билан ҳамнафасликда айтган ашулалари мен учун ҳамнафаслик мактабини ўтади ва Қувондиқ Искандаров бўлишимда менга жуда кўп ёрдами теккан. У менга нафақат ҳамнафас балки билмаган асарларимни ўргатиб, камчиликларимни тўлдирган, чунки унинг эслаб қолиш қобилияти жуда яхши ривожланган эди.” дейдилар устоз.

Албатта ҳамнафаслик бу жуда катта меҳнат ва машаққат талаб этади, чунки иккита ёки ундан ортиқ ашулачиларнинг бир–бирини эшитиб айтиш ва айтганда ҳам бир одам ижро этаётгандек бўлиб эшиттирилсагина ана шунда ҳамнафаслик тўлақонли бажарилган бўлади.

1960 йилда устозни Фарғона–Тошкент ижро услубига қизиқиши уни Тошкент сари етаклади. Бу ерда Қувондиқ ака Тошкент Давлат филармониясига ишга жойлашади. У кўплаб ашулалар ижро этди, радио ва телевидениядаги чиқишлари халқнинг оғзига тушди. Бу вақтда барча етук хонанда–ю созандалар, артислар, раққосалар хуллас санъат аҳлининг энг кўзга кўринган намоёндалари марказга йиғила бошлаган давр бўлиб, уларнинг кўпчилигини ўзига устоз деб билди ва баъзилари билан биргаликда ижод қилди.

Ўша даврда Қувондиқ Искандаровнинг Феруз I–II асарларини ижро этиши хонанданинг юлдузлик чўққисига кўтарилишига катта қадам бўлди десак муболаға бўлмас. Чунки, ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам Ферузларни эркак кишилар орасида Қувондиқ Искандаровдек, аёллардан эса Назира Юсуповадек маромига етказиб ижро этганлар бўлмади. Ферузлар айнан булар учун яратилгандек гўё.

1975 йилларда Ўзбекистон халқ хофизи Рўзмат Жуманиёзов билан айтишган диралишмалари эса, эски даврдаги Ҳожихон Болтаев билан Полли Дузчи ёки Қаландар Бангилар, билан бўлган диралишмалардан ҳеч кам жойи йўқ эди. Бу диралишмаларда гоҳида Қувондиқ аканинг мағлубияти кўринса гоҳида Рўзмат Жуманиёзов мағлуб бўлар эди. Биз мағлуб бўлган ёки ғолиб бўлган томонларни аниқламоқчи эмасмиз балки, шу диралишма жараёнининг ўзи биз учун қизиқарлидир.

Бизга маълумки Суворийда ҳар мухаммаснинг бир байтидан кейин авжга қараб кварта ёки терция кўтарилиб бораверади ва авжига етган сари бир шоирнинг мухаммаслари етмай қолади. Ҳофиз бошқа шоирнинг мухаммасига ёки шу шоирнинг бошқа мухаммасига мурожат этиши керак, бунинг учун эса у кўплаб мухаммасларни ёд билиши ва овоз имконияти жуда кенг бўлиши керак. Қувондиқ Искандаров кўпинча Навоий мухаммасларига, Рўзмат Жуманиёзов эса Машраб мухаммасларига диралишмаларини айтар эдилар.

«Мен нафақат Рўзмат Жуманиёзов билан балки Абдушариф Вафоев, Кенжа Матназар, Кутлумурод Хажиев, Маткарим Ҳофиз, Матниёз Юсупов ва ниҳоят ўзимни шогирдим Матназар Худойназаровлар билан ҳам диралишма айтганмиз» –дедилар устоз.



Устознинг шогирдлари ҳам жуда кўп. Улардан консерватория профессори Матназар Худойназаров, Ўзбекистон, Туркменистон, Татаристон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон халқ артисти Ортик Отажонов, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Олмаҳон Ҳаитова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов, Ўзбекистон халқ артисти Матлюба Дадабоева, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов, хонандалар Ўлмас Оллоберганов, Гулсара Ғоипова, Санобар Сатторова ва бир қатор бошқа шогирдларни етиштириб чиқарганлар.

Устознинг яратган асарларидан «Сухбатлашайлик», «Узоқдасан», «Иккимиз», «Қайдасан» ашулалари унинг бастакорлик маҳоратини етук намуналаридан биридир. Ҳозирда ҳам устознинг басталаган асарларини хонандалар севиб ижро этишади ва мухлислар томонидан севиб тингланади.

Устознинг умр дафтари келажак авлод вакилларига унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси эмас, балки ўзлари учун ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган шароитларда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида ҳам йўл кўрсатгич сифатида хизмат қилса ажаб эмас.

Устозимиз тириклик вақтида ўзлари билан бўлган сухбат орқали ёзиб олинган.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси
Катта ўқитувчиси Шавкат Матёқубов